

## Ҳаёт менга шундай таълим берди



18:13 / 27.03.2018 4924

Ҳақиқат шуки, сиздаги гўзал ахлоқ бошқаларнинг бадхулқлиги сабабидан мукамаллик сари кўтарилиб боради.

Агар сиҳат-саломатлик бўлмаганда, инсон вожиб амалларни қилмас, фазилатли амалларга шошилмаган бўларди;

Агар вожиб ва фазилатли амаллар бўлмаганда, бу ҳаётда инсоннинг мавжудлигидан бирор маъно бўлмасди.

### **Ҳаётдаги буюк муваффақият**

Ҳаётингиздаги буюк муваффақият – бу ўзингизнинг рағбатларингиз ва аёлингиз рағбатлари орасида мувофиқликни сақлай олишингиздир.

### **Ҳақ ва ботил суҳбати**

Бир куни ҳақ ва ботил йўлда кетаётиб, баҳслашиб қолишди. Ботил гап бошлади:

- “Мен сендан бир бош устунман”.
- Ҳақ жавоб берди: “Мен сендан мустаҳкам ва собитроқман”.
- Ботил: “Мен сендан кучлироқман”.
- Ҳақ: “Мен сендан боқийроқман”.

- Ботил: “Менинг атрофимда кучлилар ва дабдаба эгалари (жиноятчилар) бор”.
- Ҳақ: **“Худди шунга ўхшаш ҳар бир шаҳарда катта жиноятчиларни унда макр қилиш учун қўйиб юбордик. Улар сезмаган ҳолда фақат ўзларига ўзлари макр қиладилар, холос”** (Оли Имрон, 6-оят).
- Ботил: “Сени ҳозирнинг ўзида ўлдиришга қодирман”.
- Ҳақ: “Майли, ўлдиришинг мумкимдир, аммо менинг авлодларим бироз вақт ўтса-да сени ўлдирадилар!”.
- **Ҳаётдаги ажиб ҳолат**
- Инсон ҳаётидаги ажабланарли ҳолат шуки, инсон ўзини ўзи ҳалокатга олиб борадиган нарсани талаб қилишдан чарчамайди.

*Доктор мустафо ас-Сибойнинг*

*“Ҳаёт менга шундай таълим берди”*

*китобидан Ҳасанбой Эргашов таржимаси*